



УМАР РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУ ДАВРИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

Джуманов Абдулазиз Махамматлатипович

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини

“Ҳадис ва ислом тарихи фанлари” кафедраси ўқитувчиси

У кишининг тўлиқ исмлари Умар ибн Хаттоб ибн Нуфайл ибн Абдулғуззо ибн Риёх ибн Абдуллоҳ ибн Қурт ибн Разоҳ ибн Адий ибн Каъб ибн Луай Қураший Адавийдир. У киши ўзларининг саккизинчи боболарида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг насаблари ила туташадилар.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу кучли ва шиддатли бўлганлари учун Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига Абу Ҳафс деган куня берганлар. Бу «шер, арслон» деган маънони англатади.

Шунингдек, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга яна «Форуқ», яъни «Ҳақ ила ботилни ажратувчи» деган лақабни ҳам берганлар.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўн уч йил кейин туғилганлар.

У кишининг оталари – Хаттоб ибн Нуфайл.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг оналари Ҳантама бинт Ҳошим ибн Муғйра Махзумия бўлиб, у киши Холид ибн Валид розияллоҳу анҳунинг амакиларининг қизлари бўлган.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ёшлиқларидан жасурлик, мардлик ва жоҳилият ҳаёти руҳида тарбия топган эдилар.

У киши жоҳилият даврида Қурайшнинг ашрофларидан ҳисобланиб, уларга элчилик вазифаси топширилган эди. Орада уруш чиқиб қолса, у киши элчилик қилар эдилар.

Умар розияллоҳу анҳу новча, жуссадор, оппоқ, икки ёноқлари қизил одам бўлганлар.

Умар розияллоҳу анҳу Аллоҳ таолонинг Расули маслаҳат қиладиган, машварат сўрайдиган саҳобалардан эдилар. Баъзи вақтларда ҳазрати Умарнинг фикрларини қўллаб оятлар ҳам нозил бўлар эди. Масалан, Бадр урушидан кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобаларига асирларни нима қилиш кераклиги тўғрисида маслаҳат қилдилар. Умар розияллоҳу анҳу уларнинг барчасини ўлдиришни маслаҳат бердилар, Абу Бакр розияллоҳу анҳу улардан фидя олиш кераклигини айтдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг маслаҳатини олдилар. Шунда Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг фикрларини қўллаб, Анфол сурасидаги бир оятни нозил қилди. Унда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам итоб қилинган эдилар. «Набий учун ер юзида забардаст бўлмагунича асирлари бўлиши тўғри эмас эди. Сизлар дунёнинг ўткинчи нарсасини



ирода қиласизлар. Аллоҳ эса охиратни ирода қиладир. Аллоҳ азиздир, ҳақимдир» (67-оят).

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу хамрнинг ҳаром қилинишини орзу қилар эдилар. Аллоҳ таоло бу ҳақда оят нозил қилганида, у киши хотиржам бўлдилар.

Шунингдек, ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу аёллар масаласида, хусусан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари борасида хижобнинг фарз бўлишини истар эдилар. Хижоб ояти нозил бўлиб, у кишининг кўнгиллари таскин топди.

Мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул вафот этганида, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга жаноза намози ўқишни ирода қилдилар, Умар розияллоҳу анҳу у зот билан тортишдилар, муноқаша қилдилар. Шундан кейин Аллоҳ таоло Умар розияллоҳу анҳунинг фикрларини қўллаб, Тавба сурасидаги қуйидаги оятни нозил қилди:

«Ҳеч қачон улардан ўлган бирортасига ҳам (жаноза) намоз ўқима, қабри устида турма, чунки улар Аллоҳга ва Унинг расулига куфр келтирдилар ҳамда фосиқ ҳолларида ўлдилар» (84-оят).

Умар розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан барча ғазотларда иштирок этдилар. У эса барча жангларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларида турар, ҳеч ажрамас, у зотни мудофаа қилиб, ёмонликлардан, хавф-хатарлардан тўсар эдилар.

У киши ўзлари ижтиҳод қилмас, балки Аллоҳ ва Расулининг ҳар бир каломини ҳарфма-ҳарф бажарар эдилар. Умар розияллоҳу анҳу бу борада Абу Бакр розияллоҳу анҳудан кейинги иккинчи саҳоба ҳисобланар эдилар.

Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг халифалик даврларида Умар розияллоҳу анҳу у кишининг энг яқин маслаҳатчилари, давлат ишларини юритишда ўнг қўллари бўлдилар.

Умар розияллоҳу анҳуга байъат қилиниши

Абу Бакр розияллоҳу анҳу бетоб бўлиб, вафотлари яқинлашганини ҳис қилганларида, мусулмонлар ичида ихтилоф чиқмаслиги учун аввалдан халифа тайинлаб қўйишни ирода қилдилар ва у киши ҳазрати Умарни ихтиёр этдилар. Катта саҳобалар билан маслаҳатлашган эдилар, улар ҳам бу фикрни қўллаб-қувватладилар. Абу Бакр розияллоҳу анҳу Умар розияллоҳу анҳуга байъат қилдилар, сўнг мусулмонлар ҳам байъат қилишди. Бир неча кун ўтиб, Абу Бакр розияллоҳу анҳу вафот қилдилар.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг мусулмонлар халифаси, уларнинг бош раҳбари сифатида олиб борган фаолиятлари намозга ўтиш, узоқдан туриб шимол тарафда кетаётган фатҳ ишларини бошқаришдангина иборат бўлмаган. У кишининг мақсадлари Қуръони Карим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари, шариат таълимотлари асосида дунёдаги энг мукаммал, ҳаётнинг барча соҳаларида энг намунали жамият қуришни таъминлаш ҳам эди. Мана шу мақсадга эришиш йўлида у киши ҳар тарафлама ва серқирра фаолият олиб борар эдилар. Милодий XX асрнинг охирларида ғайримусулмон мутахассислар томонидан инсоният



тарихида жамиятларга энг кўп фойда келтирган шахсларнинг исм-шарифларидан тузилган рўйхатнинг тўртинчи ўрнида Умар розияллоҳу анҳунинг исмлари келтирилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Куйида ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг оламшумул фаолиятларидан баъзи намуналарни қисқача келтириб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Инсон илм-маърифатга эга бўлмасдан туриб, дунё халқлари ичида пешқадам бўлишни хаёлига келтирмаса ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Ўзининг охириги ва инсониятга то қиёматгача икки дунё саодатига эришиш йўлларини кўрсатиб борадиган динини, яъни Исломни илм дини қилган.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг даврларида бутун асрларга татигулик катта исломий фатҳлар бўлди. Бу даврда румликлар Шомдан қувиб чиқарилди. Сўнг Форс империяси бутунлай ағдарилди. Сўнгра кураш Миср, шимолий Африқо ва Ўрта ер денгизи ороллари томон кўчди.

1. Шом юртларидаги фатҳлар (бу «Ғарбий жабҳа» ҳам дейилади)

Дамашқ ва бошқа шаҳарларнинг фатҳ қилиниши

Дамашқ фатҳидан сўнг Ислом лашкарлари Абу Убайда розияллоҳу анҳунинг қўмондонликларида Шомнинг бошқа шаҳарлари томон юрдилар. У киши билан бирга Халид ибн Валид ҳам бор эдилар.

Мусулмон лашкарлар бирин-кетин Биқоъ, Баълабакка, Фихд, Байсон, Табарийя, Ҳимс, Қиннасин, Қийсорийя, Ажнодин, Қуддус, Насибийн ва бошқа шаҳарларни фатҳ қилдилар.

Байтул мақдис фатҳи

Сўнг Ислом лашкарлари Байтул мақдисни қамал қилдилар. У ернинг ҳокимлари олдларига Умар розияллоҳу анҳунинг ўзлари келишлари, шундагина таслим бўлишларининг хабарини беришди. Ҳазрати Умар Шомга келдилар. Шундан кейин улар Байтул мақдиснинг калитларини у зотга топширишди.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу улар билан жизяга сулҳ туздилар. Мусулмонлар билан Масжидул Ақсода намоз ўқидилар.

Сўнг Ҳалаб фатҳ этилди. Кейинроқ Манбиж, Антокия, Ҳаррон, Руҳо ва бошқа шаҳарлар ҳам уруш билан эмас, сулҳ билан фатҳ қилинди.

Шом юртлари соҳилларининг фатҳ қилиниши

Соҳилдаги шаҳарларни фатҳ қилишга Абу Убайда розияллоҳу анҳунинг буйруқлари билан Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳу бошчилик қилдилар. У киши Сур, Сайдо, Байрут, Тароблус шаҳарларини фатҳ қилдилар. Шу билан Шом юртларининг барчаси мусулмонларнинг қўлига ўтди. Румликлар ҳайдаб чиқарилди, Сурия ва Фаластин фатҳи тугал бўлди.

Миср фатҳи

Сурия ва Фаластин фатҳидан кейин, энди Мисрни фатҳ қилиш учун юриш керак эди.

Ўша пайтларда Миср Румга бўйсунар, Миср фатҳ қилинмаса, мусулмонларнинг иши қарор топиши мумкин эмас эди. Шундай бўлди ҳам.



Амр ибн Ос розияллоху анху Фаластинни фатҳ қилганидан сўнг Умар розияллоху анхудан Мисрни фатҳ қилишга изн сўрадилар, у киши рози бўлдилар.

Амр ибн Ос розияллоху анху Миср томон юрдилар. У киши одамларга Исломни қабул қилиш, жизяга қўниш ёки уруш – уchtасидан бирини танлашни таклиф қилдилар. Мусулмонлар барча жанглardan олдин мана шу таклифларни қилар эдилар.

Мисрликларга жизя фарз қилинди. Сўнг мусулмонлар юришда давом этиб, Искандарияни – Муқавқиснинг қароргоҳини фатҳ қилдилар. Ўша вақтда Искандария Мисрнинг пойтахти эди. Мусулмонлар Амр ибн Ос розияллоху анхунинг чодирлари атрофида Фустот шаҳрини қурдилар. Шунингдек, бошқа шаҳарларни ҳам фатҳ этиб, уларнинг барчасига жизяни фарз қилдилар.

Шундай қилиб, Миср Ислом халифалигига қарашли ерларга айланди.

Ливиянинг фатҳ қилиниши

Сўнг Амр ибн Ос розияллоху анху ғарб томон юриб, Барқани, сўнгра Зувайлани, Тароблус, Соброта ва Шурусни фатҳ қилдилар.

Шу ерга келганда Умар розияллоху анху ғарб томонга юришни ман қилиб, у кишини тўхтатдилар.

2. «Шарқий жабҳа» – Форсдаги фатҳлар

Дамашқни фатҳ қилгандан сўнг Холид ибн Валиднинг лашкари халифанинг амри билан Ирокқа қайтди. Ҳазрати Умар Абу Убайд ибн Масъуд Сақафий қўмондонлиги остида лашкар ҳам юбордилар. Сўнг яна Жарир Бажалий амирлигида мадад кучлари жўнатдилар. Уларнинг барчаси Куфа томон юриб, бирлашдилар ва Форс лашкарлари билан тўқнашдилар. Мусулмонлар форсларни мағлуб этдилар.

Наморик жанги

(ҳижрий 13 йил; милодий 634 йил)

Абу Убайд Сақафий розияллоху анху форслар билан Ҳийра ва Қодисия орасидаги Наморик деган жойда тўқнашдилар. Уларга қақшатқич зарба бериб енгдилар. Форслар Мадоинга қочиб кетишди.

Кўприк уруши

(ҳижрий 13 йил шаъбон оyi; милодий 634 йил)

Сўнг мусулмонлар форсларнинг Жолинус исмли лашкарбошисининг аскарлари билан жанг қилиб, уларни ҳам енгдилар.

Жолинус Рустамнинг олдига қочиб борган эди. У Баҳман бошчилигида катта лашкар тайёрлади. Абу Убайд Ҳийрага қайтиб борди. Форслар Фурот дарёсининг нариги тарафига келиб тушиб, кўприк ўрнатдилар.

Шиддатли жанглр бўлди. Бу жангда қўмондон Абу Убайд шаҳид бўлдилар. У кишидан кейинги қўмондонлар ҳам шаҳид бўлишди. Охири қўмондонликни Мусанно ибн Ҳориса қабул қилиб олиб, урушни давом эттирди. У мусулмонларни майдондан олиб чиқди. Мусанно ибн Ҳориса жуда қаттиқ жароҳатланди. Ўша ерда кўпгина мусулмонлар қатл қилиниб, дарёга ғарқ бўлдилар.

Бувайб жанги

(ҳижрий 13 йил Рамазон оyi; милодий 634 йил)



Бу жой Куфага яқин эди. Мусаннонинг қўмондонлигида мусулмонлар форслар устидан жуда катта ғалаба қозондилар. Шунда Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анху қўмондонлигида мадад кучлари, шунингдек, халифа Умар розияллоху анхунинг буйруғи билан Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анху умумий лашкарбоши этиб тайинланганлари ҳақидаги хабар ҳам етиб келди.

Катта Қодисия жанги

(ҳижрий 16 муҳаррам ойи; милодий 637 йил)

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анху Ислом лашкари билан етиб келдилар. У киши Қодисияга лашкароҳ қурдилар. Форснинг подшоси Яздажир ўзининг қўмондони Рустамни бир юз йигирма минг жангчи билан юборди. Уларнинг орқасидан яна шунча мадад кучларини ҳам жўнатди. Саъд розияллоху анху Рустамга элчилар юборди. Элчилар унга Исломни, жияни ва урушни таклиф қилишди. Мазкур элчилар Исломнинг иззатини намоён қилдилар. Улар Рустамга айтган гапларининг орасида: «Биз сизларни бандаларга бандалик қилишдан Аллоҳ таолога бандалик қилишга чиқариш учун келдик», дейишди. Яна улар: «Биз Аллоҳ таоло берган ваъдага биноан келдик», дедилар. Бу сўзлар форсларнинг руҳиятини заифлаштирди. Жанг бошланди. Шиддатли жанг тўрт кун давом этди. Шунда форслар улкан филларни ишга солишди. Мусулмонлар эса филларнинг кўзларини ўйиб олдилар. Сўнг филлар форслар томон юриб, уларни пароканда қилди. Жанг мусулмонларнинг буюк ғалабаси билан тугади. Тўқнашувда форсларнинг кўпгина аскарлари ва уларнинг бошлиғи ўлдирилди. Мусулмонлар жуда ҳам кўп ўлжаларни қўлга киритдилар ва халифага бу тўғрида суянчи хабар юбордилар.

Форс империясининг битирилиши

(Бошқа шаҳарлар ва пойтахтнинг фатҳ қилиниши) Мусулмонлар Мадоин томон юрдилар. Улар форсларнинг бир қанча лашкарлари билан тўқнашиб, уларни мағлуб этдилар. Форслар охири бориб Мадоиндаги Бахурасир шаҳрини ўзларига қалъа қилиб олишди. Сўнг Мадоиннинг ичкарасига қараб қочишди. Мусулмонлар уларнинг ортидан қувиб бордилар.

Мадоиннинг фатҳ қилиниши

(ҳижрий 16 йил сафар ойи; милодий 637 йил)

Мусулмонлар Форс империясининг пойтахти Мадоинга кириб бордилар. Форслар ҳукмдорлигининг маркази ўша ер эди. Кириб борганларида шаҳар бўшаб қолган, чунки Форс подшоҳи Яздажир оиласи билан қочиб кетган эди. Саъд розияллоху анху оқ қаср – Яздажирнинг қасрига жойлашдилар. Унинг айвонини намозхона қилиб олдилар. Мусулмонлар Яздажирнинг хазиналаридан жуда катта ўлжаларга эга бўлдилар. Саъд розияллоху анху Аллоҳ таолонинг Духон сурасидаги куйидаги оятларни тиловат қилдилар:

Шундай қилиб қадимги Форс империясининг пойтахти ҳам мусулмонлар томонидан фатҳ этилди. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, бу пойтахтнинг қулаши Форс империяси бутунлай қулаганини билдирувчи аломат эди.

Жалуло фатҳи



Жалуло Яздажир қочиб борган шаҳар эди. Ўша ерда у билан бирга форслар жамланиб, кўргон кўтаришган, мудофаа истехкомини куришган эди. Мусулмонлар шаҳарга етиб бориб, уни ҳам фатҳ қилдилар ва буюк зафар кучдилар. Ундан олинган ўлжалар Мадоиннинг ўлжаларидан кам бўлмади.

Сўнг мусулмонлар Хулвон, Тикрит, Мовсил, Мосабазон, Ахвазон, Тустар, Сус, Жундайсобур каби шаҳарларни фатҳ қилдилар.

Мусулмонлар форсларнинг энг катта амирларидан бири Хурмузонни тутиб олиб, уни ўлжалар билан кўшиб Умар розияллоху анхуга юбордилар.

Истаҳр фатҳи

Баҳрайн волийси Ало ибн Ҳазрабий халифанинг изнисиз бу шаҳарга денгиз йўли орқали бориб, у ерда форсларни қамал қилди. Умар розияллоху анху унга мадад кучларини юборди. Мусулмонлар гўзал ғалаба қозониб, шаҳарни фатҳ қилдилар.

«Фатҳларнинг фатҳи» – Наҳованд фатҳи

(ҳижрий 21; милодий 641 йил)

Умар розияллоху анху Форс урушини охирига етказиш учун ўзлари бормоқчи бўлдилар. Лекин саҳобалар бу таклифни рад қилишгач, Наҳовандга Нуъмон ибн Муқаррин Музанийни ўттиз минг киши билан юбордилар. Форсларнинг аскарлари кўп бўлиб, уларнинг сони юз эллик мингга етган эди. Шу жойда қирғинбарот жанг бошланди. Форслардан юз мингдан ортиқ киши ер тишлатилди, уларнинг қўмондони Ферузон ҳам ўлдирилди. Жанг майдони душман аскарларининг жасадлари билан тўлиб-тошди. Мусулмонларнинг қўмондони Нуъмон ибн Муқаррин Музаний шаҳид бўлдилар.

У кишидан кейин Ҳузайфа ибн Ямон қўмондон бўлдилар. Шундай қилиб, Наҳованд фатҳ қилинди. Бу жуда ҳам улкан ғалаба бўлди. Сўнг мусулмонлар олдинга юришларни давом эттириб, Исфаҳон, Қошон, Қум ва Кирмонни ҳам фатҳ қилдилар.

Мусулмонларнинг Форс давлати ичкарасига тарқалиши

(ҳижрий 22-23; милодий 642-643)

Шундай қилиб Форс императорлиги бутунлай тугатилди.

Мулоҳаза: Форс давлати ҳарбий жиҳатдан қулади. Бироқ улар Исломга қарши фикрий курашни давом эттираверишди. Мана шу нарса Ислом оламининг заифлашишидаги энг муҳим сабаблардан бири бўлди.

Кейинги пайтда пайдо бўлган кўпгина бузғунчи ҳаракатларнинг бош сабабчиси форслар бўлиб, бу омиллар ҳам Исломни парчалашга хизмат қилди. Зиндиқлар ҳаракати, занжийлар ҳаракати, қарматийлар ҳаракати, Синдбод, Муқаннаъ Марвазий Хуросоний, Бобак Хуррабийларнинг ҳаракатлари шулар жумласидандир.

Ҳазрати Умар розияллоху анхунинг мусулмонлар халифаси, уларнинг бош раҳбари сифатида олиб борган фаолиятлари намозга ўтиш, узоқдан туриб шимол тарафда кетаётган фатҳ ишларини бошқаришдангина иборат бўлмаган. У кишининг мақсадлари Қуръони Карим ва Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатлари, шариат таълимотлари асосида дунёдаги энг мукаммал, ҳаётнинг барча соҳаларида энг намунали жамият куришни таъминлаш ҳам эди. Мана шу мақсадга



эришиш йўлида у киши ҳар тарафлама ва серқирра фаолият олиб борар эдилар. Милодий XX асрнинг охирларида ғайримусулмон мутахассислар томонидан инсоният тарихида жамиятларга энг кўп фойда келтирган шахсларнинг исм-шарифларидан тузилган рўйхатнинг тўртинчи ўрнида Умар розияллоҳу анҳунинг исмлари келтирилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Қуйида ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг оламшумул фаолиятларидан баъзи намуналарни қисқача келтириб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Инсон илм-маърифатга эга бўлмасдан туриб, дунё халқлари ичида пешқадам бўлишни хаёлига келтирмаса ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Ўзининг охирги ва инсониятга то қиёматгача икки дунё саодатига эришиш йўллари кўрсатиб борадиган динини, яъни Исломни илм дини қилган.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу раҳбар сифатида бу маънони ҳатто энг нозик жойларигача, тўлиқ ҳис қилар эдилар. Шунинг учун ҳам у киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг ва хусусан, ўзларининг даврларида илмга алоҳида эътибор бердилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрган тушлари бежиз бўлмайди. У зот тушларида косада сут ичганлари, ортиб қолганини эса ҳазрати Умарга берганларини кўрганлари ва саҳобаи киромлар бунинг таъвилини сўраганларида илмга йўйганлари ҳаммага маълум. Шу боис ҳам Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу илмга ниҳоятда ҳарис эдилар.

Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан, у киши ҳазрати Умардан ривоят қиладилар:

«Менинг Бану Умайя ибн Зайд уруғидан ансорий бир кўшним бор эди. У Мадинанинг юқори тарафидан эди. Расулуллоҳнинг ҳузурларига навбат билан тушар эдик. Бир кун у, бир кун мен тушар эдим. У менга ваҳий ва бошқа хабарларни келтирар эди. Мен ҳам унга шундай хабарларни келтирар эдим».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан содир бўладиган илмга қизиқиш бундан ортиқ бўлиши мумкинми?

Ибн Абдулбарр Ҳилол Варроқдан ривоят қилади:

«Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: «Огоҳ бўлинглар! Энг рост гап Аллоҳнинг каломидир. Энг яхши йўл Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўллари дир. Ишларнинг энг ёмони янги пайдо қилинганларидир. Огоҳ бўлинглар! Илм одамларга уларнинг улуғларидан келса, улар яхшиликда бардавом бўлурлар», дер эдилар».

Ҳазрати Умар раҳбар сифатида аҳолининг таълим-тарбиясига катта эътибор берар эдилар. Вақтлари бор бўлса, кишиларга шахсан ўзлари таълим берганлар.

Имом Байҳақий ва Асбаҳонийлар Ҳасандан ривоят қиладилар:

«Бир аъробий Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг олдига келиб: «Эй Умар! Менга динни ўргат!» деди. У: «Лаа илааҳа иллаллоҳу, Муҳаммадур Расулуллоҳ», деб шаҳодат келтирасан. Намоз ўқийсан. Закот берасан. Байтни ҳаж қиласан. Рамазон рўзасини тутасан. Ошкораликни лозим тут. Сирдан сақлан. Уятга сабаб бўладиган ҳар



бир нарсадан сакдан. Аллоҳга йўлиққанинда «Умар менга шуни амр қилди» деб айт», деди».

Дорақутний Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилади:

«Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу қўлимдан тутиб, менга ташахҳудни ўргатди ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг қўлидан тутиб, «Ат-таҳийяту...» деб ўргатганларини айтди».

Имом Молик, Шофеъий, Таҳовий ва бошқалар ривоят қилган ҳадисда Абдурраҳмон ибн Абдул Қорий Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг минбарда туриб, одамларга «Аттаҳийяту лиллааҳи...» деб ташахҳудни ўргатаётганларини эшитганини айтган.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу раҳбар сифатида аҳолининг таълим борасидаги ишларига катта аҳамият берар эдилар. У киши аввало пойтахтнинг ушбу соҳадаги ишларига алоҳида эътибор қаратганлар.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу раҳбар сифатида бу маънони ҳатто энг нозик жойларигача, тўлиқ ҳис қилар эдилар. Шунинг учун ҳам у киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг ва хусусан, ўзларининг даврларида илмга алоҳида эътибор бердилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрган тушлари бежиз бўлмайдди. У зот тушларида косада сут ичганлари, ортиб қолганини эса ҳазрати Умарга берганларини кўрганлари ва саҳобаи киромлар бунинг таъвилини сўраганларида илмга йўйганлари ҳаммага маълум. Шу боис ҳам Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу илмга ниҳоятда ҳарис эдилар.

Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан, у киши ҳазрати Умардан ривоят қиладилар:

«Менинг Бану Умайя ибн Зайд уруғидан ансорий бир кўшним бор эди. У Мадинанинг юқори тарафидан эди. Расулуллоҳнинг хузурларига навбат билан тушар эдик. Бир кун у, бир кун мен тушар эдим. У менга ваҳий ва бошқа хабарларни келтирар эди. Мен ҳам унга шундай хабарларни келтирар эдим».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан содир бўладиган илмга қизиқиш бундан ортиқ бўлиши мумкинми?

Ибн Абдулбарр Ҳилол Варроқдан ривоят қилади:

«Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: «Огоҳ бўлинглар! Энг рост гап Аллоҳнинг каломидир. Энг яхши йўл Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўллариدير. Ишларнинг энг ёмони янги пайдо қилинганлариدير. Огоҳ бўлинглар! Илм одамларга уларнинг улуғларидан келса, улар яхшилиқда бардавом бўлурлар», дер эдилар».

Ҳазрати Умар раҳбар сифатида аҳолининг таълим-тарбиясига катта эътибор берар эдилар. Вақтлари бор бўлса, кишиларга шахсан ўзлари таълим берганлар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳулардан кейин Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу бошқа соҳалар қатори илм соҳасида ҳам ўзларига юклатилган масъулиятни шараф ила адо этганлар десак, заррача муболаға бўлмайдди.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қуръони карим.
2. Тафсирул Жалолойн. Имом Ж. Суютий ва Ж. Маҳаллий. Дорул китабул Арабий. Байрут 1987 й.
3. Тафсири Ҳилол 2 жуз. Шайх М. Содик М. Юсуф. Мавр.. Тошкент– 2006.
4. Қуръони Карим маъноларини таржимаси. Аловуддин Мансур.
5. Расулulloҳ (с.а.в.)нинг саҳобалари ҳаёти. Муҳаммад Рожи Ҳасан Каннос. Дорул Маърифат. Байрут 2005 й.
6. Расулulloҳ (с.а.в.) атрофидаги кишилар ва Расулulloҳ (с.а.в.) халифалари. Ҳолид Муҳаммад Ҳолид. Дорул Мақтам. Қоҳира 2004 й.
7. Саҳобалар ҳаёти. М. Ю. Кандеҳлавий. 2 жуз. Дорул Фикр. Байрут 2002 й.
8. Ал – Жомеъ ас- Саҳиҳ. 1 – жуз. Имом Бухорий.
9. Нурил якин маъна итмомул вафо. Муҳаммад Хузарий. Мавроуннаҳр – 1992й.
10. Дин насиҳатдир. Шайх М. Юсуф. Мавр.... Тошкент- 2006.
11. Ашарай Мубашшиара. Асадали Ҳакимжон. 1994.